



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

"БОЙСУН –БАҲОРИ" ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ САЛОҲИЁТИ"

МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ
«БАЙСУН –БАҲОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА

«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАъЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
**СУРХОНДАРЁ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**“БОЙСУН –БАҲОРИ” ХАЛҚАРО ФЕСТВАЛИ: ТУРИЗМ
САЛОҲИЁТИ”**

**Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий
маданияти халқаро илмий-амалий анжумани**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ФОЛЬКЛОРНЫЙ ФЕСТИВАЛЬ
«БАЙСУН –БАХОРИ» ПОТЕНЦИАЛ ТУРИЗМА**

*Материальная и духовная культура Байсун в мировой
цивилизации*

**«BOYSUN –BAHORI» INTERNATIONAL FOLKLORE
FESTIVAL TOURISM POTENTIAL**

Material and Spiritual Culture of Boysun in World Civilizations

**ТОШКЕНТ
«YOSH AVLOD МАТВАА»
2022**

**УЎК 808.5(075.8)
КБК 83.7ya73
A77**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8- май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги баённомаси асосида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6 май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди. Анжуманга тақдим этилган илмий мақолалар тўплам сифатида чоп этилди.

“Бойсун-баҳори” фольклор фестивалини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами / С. Турсунов. – Т.: “Yosh avlod matbaa”, 2022. – 578 б.

Масъул муҳаррир:
т.ф.д., проф. С.Н. Турсунов

Тақризчилар:

*т.ф.д.профессор А.Аширов, т.ф.д.профессор Р.Х.Муртазаева
ф.ф.д П.Бакиров, ф.ф.н Ҳ.Жўраева, ф.ф.д.профессор Н.А.Хуббитдинова,
ф.ф.д. профессор Ш.Турдимов, т.ф.д. профессор Г.В. Юлдыбаева.
ф.ф.н.Б.Муртазоев, ф.ф.н.Н.Йўлдошев, т.ф.д. Т.Пардаев, профессор
О.Бўриев, ф..ф.б.ф.д А.Худойқулов, ўқитувчи И.Қаршиев, Б.Сайдовлар.*

Техник котиба:
Қўшиқова Моҳигул Турсуновна

Мазкур тўплам Термиз давлат университетининг 2022 йил 25-апрелдаги илмий кенгаши йиғилишида муҳокама этилиб, нашрга тавсия этилди. Тўпламда Хоржий ва Ўзбекистон республикаси оид тарихий-археологик ва этнографик, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда фан, таълим ва тарбиянинг тарихий нуқтаи-назардан эришилган ютуқларига оид илмий мақолалар жамланган.

ISBN-978-9943-6897-5-6

“Yosh avlod matbaa”, 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 7 февралдаги №-59 рақамли “Бойсун баҳори” фольклор фестивалини 2022 йил 7-8 май кунлари Сурхондарё вилояти Бойсун туманида ўтказиш тўғрисидаги байдономаси асосида илмий анжуманни Термиз давлат университети ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамкорлигига 2022 йил 6-май куни Термиз шаҳридаги Имом Исо Термизий илмий тадқиқот марказида “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” халқаро илмий анжуман ташкил этилди.

На основании Протокола Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 февраля 2022 года провести 7-8 мая 2022 года в Байсунском районе Сурхандарьинской области фольклорный праздник «Байсунская весна» №-59, научную конференцию состоялась 6 мая 2022 г. В Научно-исследовательском центре имама Иса Термизе в город Термезе организована Международная научная конференция «Материальная и духовная культура Байсуна в мировой цивилизации».

On the basis of the Protocol of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan from February 7, 2022 to May 7-8, 2022 in Baysun district Surkhandarya region folklore festival «Baysun spring» №-59, scientific conference will be held on May 6, 2022. The International Scientific Conference «Material and Spiritual Culture of Baysuna in World Civilization» was organized at the Scientific-Research Center of Imam Isa Termizi in Termez.

o'zлari qoldirgan boy meros bilan milliy san'atning rivojlanish tarixini muayyan davr xususiyatlarga bog'lab o'rganish va jiddiy tahlil qilish muhim ahamiyat kasb etdi.

Rezyume

Ushbu maqolada Qashqadaryo vohasida o'zbek milliy baxshichilik va dostonchilik san'atining rivojlanishi noyob namunalarini asrabavaylash va rivojlantirish, uni keng targ'ib qilish, yosh avlod qalbida ushbu san'at turiga hurmat va e'tibori tuyg'ularini kuchaytirish, turli xalqlar o'rtaсидаги do'stlik va birodarlik rishtalarini mustahkamlash, ijodiy hamkorlik, madaniy-ma'naviy munosabatlar doirasini xalqaro miqyosda yanada kengaytirish lozim adabiy hayotida yangi bir bosqich, ko'tarilish yuzbera boshlaganligi barcha tarixiy davrlarda baxshichilik san'ati rivojlangan o'ikalardan biri bo'lib kelganligini ko'rishingiz mumkin. Shu bois, Qashqadaryo hayotida sovet davrida ijod qilgan taraqqiyot yo'lining qonuniyatlarini aniqlab olish uchun eng avvalo unga xos bo'lgan umumiylar jarayonlarni tarixiylik nuqtai-nazardan ko'zdan kechirish lozim.

Резюме

В данной статье рассматривается сохранение и развитие уникальных образцов развития узбекского национального искусства бакши и эпоса в Каракалпакском оазисе, его широкая пропаганда, укрепление чувства уважения и внимания к этому искусству в сердцах подрастающего поколения, различных народов. Необходимо укреплять узы дружбы и братства между народами мира, расширять сферу творческого сотрудничества, культурных и духовных связей на международном уровне. Поэтому для определения закономерностей пути развития созданного в жизни Каракалпакии в советское время, необходимо сначала взглянуть на присущие ей общие процессы с исторической точки зрения.

Summary

This article discusses the preservation and development of unique examples of the development of the Uzbek national art of baxshi and epic in the Kashkadarya oasis, its widespread promotion, strengthening the sense of respect and attention to this art in the hearts of the younger generation, different peoples. It is necessary to strengthen the ties of friendship and brotherhood between the peoples of the world, to expand the scope of creative cooperation, cultural and spiritual relations at the international level. Therefore, in order to determine the laws of the path

of development created in the life of Kashkadarya in the Soviet era, it is necessary to first look at the general processes inherent in it from a historical point of view.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston baxshilari. –T: O'zbekiston, 2019, -144 b.
2. <https://uzhurriyat.uz>. –T: 2019.05.22
3. Yo'ldoshev B. Qashqadaryo badiiyati. T, Sharq, 2000.
4. O'zbekiston baxshilari. –T: O'zbekiston, 2019, -34 b.
5. Ravshanov P. Adabiy sahifalar. T. Nasaf, 1985
6. O'zbekiston Respublikasi Ensiklopediyasi. T. 1998.
7. Yo'ldoshev B. Qashqadaryo badiiyati. T. Fan. 1998
8. <http://qashqadaryo.uz/>.

ҚУРБОНБОЙ ТОЖИБОЙ ЎГЛИ - ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ БАХШИСИ

**Курбонова Манзила Боқиевна БухДУ т.ф.н., доцент
Нигора Абдусамадовна Орипова БухДУ Этнография,
этнология ва антропология 1- босқич магистранти.**

Қорақалпок ҳалқ оғзаки ижоди бадиий ижодиётнинг турли хил турлари ва шаклларининг йифиндисидир. Ҳалқ оғзаки ижоди кейинчалик ҳалқ миллий маданиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида қорақалпок ёзма адабиётнинг ривожланишида мухим рол ўйнади. Қорақалпок ҳалқ оғзаки ижоди турли жанрлар: қўшиқлар, маталлар, топишмоклар, эртаклар, достонлар билан бойитилган. Ҳалқ оғзаки ижодидаги бу жанрларнинг пайдо бўлиши тарихий жарабёнлар билан бοғлиқдир. Қорақалпокларда ҳалқ оғзаки ижоди, XX асргача ривожланиб, ёзма адабиёт деярли ривожланмади. Бунга сабаб уларнинг узоқ вақт давомида кўчманчи ҳаёт кечиришидир.¹

Қорақалпок ҳалқ оғзаки ижодининг энг машхур жанлардан бири бу -эпос ёки эпос шеърлар (достонлар) ҳисобланади. Ушбу жанрдаги ижод намуналари беш мингдан ортиқ бўлиб, улар ўз ичига: қаҳрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, эртак-роман ва

¹ Баяндиеv Т. Каракалпакский государственный театр им. К.С.Станиславского. Очерк истории. – Ташкент, ФАН, 1971, С 7.

бошқа турдаги достонларни қамраб олади. Буларга биз мисол қилиб “Қирқ қиз”, “Қўблон”, “Бўзоғлан”, “Ер Шўра”, “ЕрЗиуар”, “ЕрТарғин”, “ЕрТоштоқ”, “Алпамиш”, “Курбонбек”, “Шарёр”, “Ма стпошшо”, “Ғариф-ошиқ”, “Юсуф-Аҳмад” ва бошқа достонларни айтишимиз мумкин.¹ Мазкур достонларда қорақалпоқларнинг озодлик ва мустақиллик учун фидойиларча кураши тасвирланган.

Қорақалпоқ халқ достони –“Қирқ қиз” оғзаки адабиётимиз уммонининг энг чукурида ётган инжу-маржон ва марваридларнинг биридир. Ўзида садоқат ватанпарварлик, муҳаббат ва шу каби инсонийлик хислатлари билан хазинамизни тўлдирган. Ҳозирда ушбу хазинадан фойдаланиш, инсонларнинг маънавий ва маърифий дунёсини бойитади”.²

Достонда Саркуб қальаси ҳукмдори Оллоёрнинг кизи, Гулойимга отаси Муели деган ҳосилдор ерни тортиқ қилгани ҳақида айтилади. Бу жойда Гулойим ва унинг қирқ канизаги девори мисдан ва дарвозаси чўяндан бир қалья барпо этишади. Душманлар Саркуб қаласига ҳужум қиласи ва Гулойимнинг отасини ўлдиради. Саркуб ерлари таланади, саркубликларнинг кўпи асир қилиниб хайдаб кетилади. Гулойим ва унинг канизаклари душманга қарши курашади, қорақалпоқларни асирикдан кутқаради ва юртини озод килади. Бу ишда Гулойимга унинг ошиғи хоразмлик баҳодир Арслон ёрдам беради. Достоннинг бош ғояси юксак ватанпарварлик ҳисси ва халқка фидойиларча муҳаббатдан иборат «Қирққиз» достони жаҳон шеърияти дурдоналаридан бири ҳисобланади.³

Бу достонни Курбонбой бахши маромига етказиб куйлаган ва 1939-1940 йилларда униниг оғзидан ёзиб олинган. Бахшичилик – қорақалпоқ элининг улуғ анъанасидир. Чунки Қорақалпоқ бахшичилик санъти қадим тарихга ега. Ушбу санъат соҳасида Курбонбой бахши фаолияти эътиборга лойик.

Курбонбой бахши Тоҷибой ўғли: 1876-йил Тўрткўл тумани Шўрохон қишлоғида таваллуд топди, 1958-йилда вафот этди. У Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон ҳалқининг машҳур баххиси. Ёшлигидан халқ қўшиқлари ва достонлардан парчалар ёдлаб юрган. Достонларни икки тилда, ўзбек ва қорақалпоқ тилларида куйлаган. Курбонбой бахши репертуарида 20 дан зиёд достон

¹ Н. Давкараева. Каракалпакский фольклор. Многотомник, том II. Каракалпакские народные сказки изд. «Каракалпакстан». Нукус, 1977.-С. 7,8.

² Қорақалпоқ халқ достони ”Қирққиз”, таржимон Й. Болтабоев. Қарақалпоғистон-1997,-Б. 22.

³ Н.Мамедов. Каракалпакская литература. Баку, Мутарджим, 2007,-С. 63-64 .

мужассам, шундан 17 таси ёзиб олинган («Алпомиши», «Қирқ қиз», «Ширин билан Шакар» ва б.). Улардан баъзилари Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти фольклор бўлими архивида сакланади. Курбонбой бахши Жиенмурод бахшининг шогирди эди.¹

Бир биридан қолишмайдиган санъат асарлари бўлмиш достонларни бахшилар маромига етказиб ҳозиргача куйлаб келмоқдалар. Бугунги кунда шоу бизнеснинг кучайиб кетиши натижасида, бахшичилик, фольклоршунослик санъатига қизиқиши, эътибор сусайганлиги ҳатто унутилиб кетаётганлиги ачинарли бир ҳол. Юртимизда ўш авлодни миллий ўзликни англаш, ватанг садоқат, тарихий меросга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида, ҳамда бахшичилик санъатини ва бошқа халқ оғзаки ижодининг йўналишларини ривожлантириш учун қатор янгиликлар юз бермоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2019 йил 14-майда ПҚ 4320-сонли “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора тадбирлари” тўғрисида қарор қабул қилинди. “Ўзбек халқ достонлари”, “Ўзбек халқ қўшиқлари” номли дарсликлар, кўп томлик “Қорақалпоқ фолклори” тўплами чоп етилди. Шу билан бирга, 100 томлик “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” мажмуаси нашр етилмоқда. Шунингдек, Термиз шаҳрида 2019 йил 5-6-апрел кунлари I халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилди. II халқаро бахшичилик санъат фестивали 2021 йил 17 – 20 сентябр кунлари Нукус шаҳрида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳрида давлат муассасаси шаклида Республика Бахшичилик санъати марказини ҳамда унинг ҳузурида юридик шахс мақомига ега бўлган Бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармасини ташкил етиш ҳақидаги таклифлари қарор қабул қилинди.²

Ш.Мирзиёев, оддий халқ орасидан етишиб чиққан моҳир бахшижировлар қорақалпоқ халқининг бой ва бетакорро халқ оғзаки ижодиётини юксак чўққига кўтаргандар деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Зеро бахшининг шерали овози, дўумбирасидан тараалаётган куй инсон қалбини тўлқинлантириш билан бир қаторда, халқ турмушки ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ифода

¹ <http://qomus.info.uz onlayin O'zbekiston Milliy Ensklopediyasi>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти, “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарори. 2019-йил 14-май ПҚ-4320-сон.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТГА ТАЪСИРИ	205
Файрат Мамаражобов. СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ Хайрулло Қобулов. ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТАРИХИЙ МАНБАЛАРДА	207
Назокат Бозорова. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ИЖТИМОЙ -ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИНИ МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ	214
Эшмўминов Озодбек Зиёдулла ўғли. АҲОЛИ МИГРАЦИОН ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....	218
Чориев Санжар. СУРХОН ВОҲАСИ АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	223
Дўланов Отабек. ЭТНОГРАФИК ТАД҆ҚИҚОТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР АҲМИЯТИ	228
Xakimov Orifjon Boboramazonovich. O'ZBEKISTONNING JANUBIY HUDUDI HISOBLANGAN SURXONDARYO VILOYATIDA FAOLIYAT KO'RSATIB KELAYOTGAN "BOYSUN", "QURALAY", "BULBULIGO'YO", "JAYXUN" FOLKLOR- ETNOGRAFIK JAMOALARI XUSUSIDA.....	231
Radjabova Nodira Mehmonovna. "BUXORCHA" SAN'AT TURKUMI VA XALQ OG'ZAKI IJODI	238
Файзулаева Зебунисо Буходировна. ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИГА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ЗАРУРАТИ	241
Муродов Ҳалим Салимович. BUXORO HUNARMANDCHILI RIVOL TURIZM XIZMATIDA.....	245

2-ШЎЬБА. ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА БАХШИ ВА ДОСТОН ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ТАРИХИЙ, АДАБИЙ-БАДИЙ ВА ЭТНОЛОГИК ЁШДАШУВЛАР

Ж.Тўраев. "БОЙСУН БАҲОРИ" ФОЛЬКЛОР ФЕСТИВАЛНИ КЎЗГИСИ -БАХШИЧИЛИК САНЪАТИНИНГ ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТИШИ	250
Сабирова Насиба Эргашевна. ХОРАЗМ БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ: АНЪАНА ВА БАДИЙ МАҲОРАТ	253
Бўриев Очил, Очилова Холида. "АЛПОМИШ"- ДОСТОНИ ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА	261
Г.Э.Мўминова, С.Б.Муртазова. БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ	